Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига
8-ИЛОВА

**20.01.2022 даги**

**Учкудук электр тармоклари ва Учкудук туман ХТБ ўртасида 60699600,00 сўм умумий суммага тузилган 59/7 - сонли шартномага**

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ***

Боб 075

Шахсий ғазна хисобварақ 100022860122487092100075036

сўмда

| 2022 й. ойлар номи. | Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди) | | | Жами |
|---|---|---|---|---|
| | 4221000 | | | |
| Январь | 21 699 900,00 | | | 21 699 900,00 |
| Февраль | 22 999 950,00 | | | 22 999 950,00 |
| Март | 15 999 750,00 | | | 15 999 750,00 |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Жами йил бўйича** | **60 699 600,00** | | | **60 699 600,00** |

Жами 60699600,00 сўм

Олтмиш миллион олти юз тўқсон тўққиз минг олти юз сўм 00 тийин
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан ____________ сўм ёки _____% *** шартноманинг умумий суммасидан _______% ** 20____ ________________ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига 100 % жорий ойнинг 30 санасиғача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари ________________ Халилов Жамшид Абдумажидович
(имзо) Ф И Ш

Буюртмачи бош ҳисобчиси ________________ Пулатов Ҳалим Ҳамидович
(имзо) Ф И Ш

Ғазначилик бўлинмасининг ходими қабул қилди ________________
(имзо)

«___» ________________ 20___ й.

Буюртмачи ходими қабул қилди ________________
(имзо)

«___» ________________ 20___ й.

## ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

2022 йил "20" январ 59/ 7 -сон Учкудук тумани

(шартнома тузилган манзил)

"Навоий худудий электр тармоклари корхонаси" АЖ (кейинги уринларда "Корхона" деб аталади)нинг низом асосида фаолият курсатувчи рахбари Б.Исломов, бир тарафдан ва Учкудук туман Халк таълими бўлими

(Электр энергияси истеъмолчисининг номи)

(кейинги уринларда "Истеъмолчи" деб юритилади) нинг Низом асосида фаолият юритувчи рахбари Ж.Холилов иккинчи тарафдан,

("Истеъмолчи" рахбарининг номи Ф.И.Ш.)

мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

### I. Шартнома предмети

Ушбу шартнома билан "Корхона" тармоклари оркали электр энергиясини (кейинги уринларда - энергия деб аталади) "Истеъмолчи"га етказиб бериш, "Истеъмолчи" эса истеъмол килинган энергия хаккини ўз вактида тўлаш мажбуриятини олади.

### II. Етказиб берилган энергия хисоби

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий хажми:

актив 134888 кВт.с., реактив — кВар.с. ташкил этади.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кунидаги умумий нархи 450 тариф буйича тариф тури табакалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдаги ПК-3379 карори билан тасдикланган руйхат буйича махсулот ишлаб чикарувчи ва айрим хизматлар курсатувчи истеъмолчилар учун тариф (кераклиси ёзилсин) 60699600 (Олтмиш миллион олти юз тўқсон тўққиз минг олти юз) сўмни ташкил этади.

2.3. Истеъмолчининг ойлар кесимида булинган йиллик энергия хажми ушбу шартноманинг 1 иловасида келтирилган.

2.4. "Истеъмолчи" томонидан хак туланиши лозим булган хақиқий кабул килиб олинган энергиянинг ҳажми ҳисобга олиш асбобларининг (кейинги уринларда- хисоблагичлар деб аталади) кўрсаткичлари асосида ушбу шартноманинг

2-иловасида назарда тутилган тартибда аниқланади.

2.5. Вазирлар Маҳкамасининг 24.12.2008 йилдаги 277-сонли карори 1 иловасида белгиланган руйхат асосида табиий монополия субъектлари томонидан мажбурий хизмат курсатиладиган истеъмолчилар учун энергияни минимал йиллик хажми 67444 кВт/соат ташкил этади.

### III. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табакалаштирилган бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдаги ПК-3379 карори билан тасдикланган руйхат буйича махсулот ишлаб чикарувчи ва айрим хизматлар курсатувчи истеъмолчилар учун тегишли тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган куввати 750 кВА ва ундан юкори булган "Истеъмолчи" (бюджет ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) энергия учун ҳисоб-китобларни сутка вактларининг табакалаштирилган тарифи буйича амалга оширади.

Табакалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар:

ярим тиғиз пайт – сутканинг ёруғ вактида (соат $9^{00}$ дан $17^{00}$ гача) – ўрнатилган тариф бўйича; тиғиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта микдор соат 6-00 дан 9-00 гача, кечки энг катта микдор соат 17-00 дан 22-00 гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш оркали;

тунги пайт – сутканинг коронғи вактида (энг кам юкламали соатларида: 22-00 дан 24-00 гача ва 00-00 дан 6-00 гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда камаювчи коэффициентни қўллаш оркали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳидаги "Истеъмолчи"ларнинг бир ставкали тарифига мувофикдир.

Табакалаштирилган тариф қўлланилмайдиган "Истеъмолчи"га энергия учун хисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган куввати 750 кВАгача бўлган "Истеъмолчи"га энергияни реализация килиш нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига кирувчи маҳсулот ишлаб чикарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи "Истеъмолчи" учун Ҳукумат карори билан белгиланадиган тарифлар қўлланилади.

3.3. Ушбу шартнома бўйича ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади, яъни хисобот ойининг 1-санасидан кейинги ойнинг 1-санасигача.

3.4. "Истеъмолчи" хар ойда "Корхона"нинг ваколатли вакили иштирокида ҳисоб-китоб даври охирида ҳисоблагичлар кўрсаткичларини ёзиб олади ва ушбу шартноманинг 3-иловасига мувофик шаклда энергия сарфи бўйича ҳисоботни тузади.

Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида худудий электр тармоклари корхонасига белгиланган шакл бўйича ойнинг 25-санасидан 30-санасига бўлган муддатда ўз қўли билан, факсмил., электрон ёки почта алокаси оркали такдим этилган хисобот, истеъмол килинган электр энергиясининг амалдаги хажмини аниклаш учун асос бўлиб ҳисобланади, яъни

Бунда, тўловларни табакалаштирилган тарифда амалга оширувчи, уланган куввати 750 кВА ва ундан юкори бўлган "Истеъмолчи" бўйича энергия (актив ва реактив) сарфининг тўлик хажмидан ташкари, алоҳида-алоҳида тиғиз, ярим тиғиз ва тунги пайтлардаги хажмлари ҳам аникланиши ва кўрсатиб ўтилиши шарт.

3.5. Энергия сарфи бўйича ҳисобот асосида "Корхона" ўрнатилган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади, 5 кун ичида тўлаш учун хисоб фактура ва тўлов хисоб варағини ёзиб беради. "Истеъмолчи"да турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объект мавжуд бўлган такдирда, хар бир тариф гуруҳи кўрсатилган холда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

3.6. Истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб бериш, улар томонидан келгуси ҳисобот даври бошлангунча шартномавий микдорнинг 100 фоизи микдорида олдиндан хак тўлангандан кейин амалга оширилади, яъни "истеъмолчи"га энергияни етказиб бериш ойнинг 10-санасигача ҳисобот ойи ва келгуси ой учун шартномада белгиланган 100 фоизлик микдор учун олдиндан хак тўлаш асосида амалга оширилган такдирда, электр энергия узатилади, акс холда хар ойнинг 11-санасидан бошлаб истеъмолчилар тармокдан ажратилади.

3.7 Тарифлар ўзгарганида "Истеъмолчи" етказиб берилаётган энергия учун янги тарифлар кучга кирган кундан бошлаб истеъмол килинган энергия учун янги тарифлар бўйича хак тўлайди.

3.8. Ҳисоблагичлар ушбу шартноманинг 4-иловасидаги томонларнинг электр тармоклари баланс мансублилиги ва фойдаланиш бўйича масъуллигини таксимлаш бўйича далолатномага мувофик аникланадиган электр тармоғининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоғининг чегарасидан хисоблагич ўрнатилган жойгача бўлган участкадаги энергиянинг технологик сарфининг хажми "Истеъмолчи" билан биргаликда ҳисоблаш йўли оркали аникланади ва ушбу шартномага 5-иловага мувофик далолатномада кўрсатилади.

Бунда, табакалаштирилган тарифда туловларни амалга оширувчи 750 кВА ва ундан юкори булган кувватга уланган "Истеъмолчи" учун энергиянинг технологик сарфланиши сутканинг тиғиз, ярим тиғиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аникланиб ёки умумий технологик сарф микдоридан келиб чикиб хар бир давр учун мутоносиб равишда хисоблаб, жами олинган энергия хажмининг тегишли пайтларига тулов хисоб варагини ёзиш учун мутаносиб равишда кушиб борилади

3.9. Ҳисоблагичлар курсаткичи ёзиб олинмаган ёки энергия сарфи тугрисидаги хисобот "Истеъмолчи" томонидан тақдим этилмаган тақдирда, "Корхона" томонидан энергия истеъмолининг шартномавий миқдори буйича ёки утган хисоб-китоб давр учун энергия истеъмолининг амалдаги миқдори тугрисидаги маълумотлар асосида хисоб-китоб қилишга хакли, бу хакда "Истеъмолчи"нинг хисоб варағида тегишли равишда қайд қилинади.

Ҳисоблагичлар курсаткичи назорат тартибида "Корхона" вакили томонидан ёзиб олингандан кейин "Корхона" томонидан амалда истеъмол килинган энергия учун белгиланган тартибда кайта хисоб-китоб қилинади.

3.10. "Истеъмолчи"нинг энергия учун туловлар, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек хисобга олинмаган энергия қайта хисоб-китоби ва пеня буйича карзи булган такдирда унинг аванс тулови хисобига утказилган маблағлари карзни коплашга йуналтирилади ва аванс тулови (олдиндан хак тулаш) сифатида хисобга олинмайди.

"Истеъмолчи"нинг айби билан ушбу шартномада курсатилган энергия хажми тулик истеъмол қилинмаган такдирда, аванс тариқасида туланган маблағлар қайтариб берилмайди ва энергия учун кейинги хисоб-китобларда хисобга олинади.

3.11. Шартномада келтирилган хисоб-китоб даври учун курсатилган микдордан 5 фоиздан ортиқ микдорда энергия истеъмол қилинганда, "Истеъмолчи"дан шартномада курсатилган микдордан ортикча истеъмол килинган энергиянинг жами хажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари микдорида тулов ундирилади.

3.12. "Истеъмолчи" "Корхона" билан биргаликда хар ойда, хисоб-китоб даври тамом булгандан кейин беш кун мобайнида узаро хисоб-китобларнинг таккослаш далолатномасини тузади.

3.13. "Истеъмолчи"ни электр тармокларидан узиш куйидаги холларда амалга оширилади:

Шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда;

хисоб-китоблар уз вактида амалга оширилмаганлиги окибатида фойдаланилган энергия учун карздорлик мавжуд булганда;

"Корхона" талабномалари ижро этилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига хисоблагичлар курсаткичларини олиш ва хисоблаш тизими уланиш занжирини текшириш учун рухсат этилмаганда;

хисоблагичлар касддан бузилганда, курсаткичларни узгартириш максадида уларга ташқаридан аралашилганда;

электр тармокларига ноконуний уланиш, талон-торож килиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш коидаларини бузишнинг бошка холатлари аникланганда.

3.14. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган кайта хисоб-китоб "Истеъмолчи"ни конун хужжатларида белгиланган тартибда электр энергиясидан фойдаланиш коидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.15. Истеъмолчи тармокка унинг томонидан коидабузарлик холати бартараф этилиб, мавжуд карздорлик ва тулов пайтидаги энг кам ойлик иш хакининг ун баробари микдорида тулов ундирилгандан сунг кайта уланади (ЭНҲАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно, ЭНҲАТга уланган истеъмолчи дегани: масофадан тармокдан ажратиш имкони бор истеъмолчилардир).

3.16 Истеъмолчи етказиб берилган энергия учун уз вактида(шартномада белгиланган муддатларда) туламаса, Корхонага муддати утказиб юборилган хар бир кун учун тулов суммасининг 0,1 фоизи

микдорида (Энергия махсус тартибда етказиб берувчи корхоналар учун 0,2фоиз) лекин муддати утказиб юборилган сумманинг 50 фоизидан ортик булмаган микдорда пеня тулайди.

IV. Томонларнинг хукук ва мужбуриятлари

4.1. “Истеъмолчи” куйидаги хукукларга эга:

узининг электр курилмаларини техник шартларга мувофик “Корхона” электр тармокларига улаш;

сифат курсаткичлари давлат стандартларига мувофик булган энергия олиш;

энергия етказиб беришнинг тугатилиши ёки тухтатиб куйилиши сабаблари тугрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

“Корхона”га истеъмол киладиган энергия хажмларининг узгартирилиши тугрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги хажмини узгартириш буйича таклиф мулжалланаётган узгартиришдан олдин

10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

энергия тулик хажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат курсаткичлари давлат стандартларига мувофик булмаган энергия етказиб берилиши окибатида етказилган зарарларни белгиланган тартибда коплатиш;

конун хужжатларига мувофик бир тарафлама тартибда шартномани бекор килиш;

Шартнома бекор килганда фойдаланилмаган энергия микдори учун туланган суммани кайтарилишини талаб килиш;

энергия етказиб берилиши тугатилганда зарарни коплашни талаб килиш;

Шартномани тузиш ва бажаришда юзага келаётган низоларни хал этиш учун судга ёки буйсуниши буйича юкори ташкилотга (мансабдор шахсга) мурожаат килиш.

“Истеъмолчи” конун хужжатларига мувофик бошка хукукларга хам эга булиши мумкин.

4.2. “Истеъмолчи” куйидагиларга мажбур:

энергия истеъмол килишни белгиланган режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун уз вактида хак тулаш;

эксплуатация килаётган электр тармоклар, асбоблар, электр курилмаларининг техник холатини лозим даражала сакланишини, шунингдек, электр курилмаларни эксплуатация килишда хавфсизлик техникаси коидаларига риоя килинишини таъминлаш, “Корхона”га электр асбоб-ускуналарининг носозлиги тугрисида хабар килиш;

энергиядан окилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

“Корхона” ва “Уздавэнергоназорат” инспекциясининг ёзма курсатмаларини уз вактида бажариш;

Электр курилмаларининг тузилиши коидаларининг талабларини бажариш;

белгиланган тартибда “Корхона”нинг тегишли вакилига хисоблагичларни куришига имкон бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр курилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин энергиянинг зарур микдори учун “Корхона”га буюртманома бериш;

келгуси йил учун энергияга булган эхтиёжни аниклашда энергияни электр тармокларидан узатишда, махсулот ишлаб чикариш (ишлар турларининг) технологик жараёни эхтиёжларига, ишлаб чикариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритишга, иситишга, шамоллатишга энергия сарфини, шунингдек ушбу электр тармокларига уланган суб ”Истеъмолчи”ларнинг эхтиёжини хисобга олиш.

Шунингдек. 5 МВт ва ундан юкори булган кувватга уланган “Истеъмолчи”:

истеъмол килинаётган кувватнинг хар суткалик, хар ойлик сарфи ва амалдаги микдори.

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва кувватнинг хар суткалик сарфи. энергетика тизимининг энг куп юкламасининг утиш даврида актив энергия (кувват)нинг хар 30 дакикадаги сарфини хисобга олиши ва “Корхона”нинг талабига кура хабар килиши шарт.

“Истеъмолчи” конун хужжатларига мувофик бошка мажбуриятларга хам эга булиши мумкин.

4.3. Корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

“Истеъмолчи”дан шартномада белгиланган мажбуриятларни лозим даражада бажарилишини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда “Истеъмолчи” томонидан етказилган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр хўжалиги объектларида аварияви ҳолатлар мавжуд бўлганда “Истеъмолчи”ни электр қурилмаларини ўчириш. “Истеъмолчи” томонидан шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда “Истеъмолчи”ни электр тармоқлардан ўчириш, шунингдек ЭНҲАТга уланган ёки олдиндан тўлов қурилмасига эга ҳисоблагичи бўлган “Истеъмолчи”ларни олдиндан тўлов тугагандан сўнг ўчириш.

“Корхона” қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

“Корхона” ушбу шартномада кўрсатилган ҳолатлардан ташқари бўлган ўчириш оқибатлари учун жавобгар бўлмайди.

4.4. Корхона қуйидагиларга мажбур:

уланган электр тармоклар орқали “Истеъмолчи”га - электр тармоқларининг мансублик чегарасига шартномада белгиланган хажмдаги энергияни узлуксиз етказиб бериш;

қурилмаларни, электр узатиш линияларини, ҳисоблагичларни эксплуатация қилиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек ўзининг электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр хўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

энергия етказиб берилишидаги тўхташлар тўғрисида ва тўхташларнинг сабаблари тўғрисида “Истеъмолчи”га маълум қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида чеклашларни хажми ва вақти кўрсатилган холда олдиндан хабар бериш;

“Истеъмолчи”нинг энергия етказиб берилмаганлиги ва электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги аризасини, “Истеъмолчи”дан ариза олинган кундан ўн кундан кечиктирмасдан кўриб чиқиш, уларни бартараф этиш ва тўлақонли жавоб йўллаш;

“Истеъмолчи”га етказиб берилган энергия ҳисобини белгиланган тартибда олиб бориш;

“Истеъмолчи”нинг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ беш кун муддатда энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу ҳақда рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда “Истеъмолчи”га хабар қилиш;

“Истеъмолчи”га ўрнатилган ҳисоблагичларни алмаштиришни, ўрнатишни ва уларга хизмат кўрсатишни, шунингдек уларни пломбалашни таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган энергия етказиб бериш.

“Корхона” қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## V. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Мазкур шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаган холларда “Корхона” бунинг натижасидаги етказилган зарарни қоплашга мажбур, “Истеъмолчи” эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. “Корхона”:

“Истеъмолчи” энергия истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмаган, энергия истеъмолининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйган тақдирда, “Корхона” томонидан белгиланган энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажармаган суткаларда паст сифатли энергия етказиб берилганлиги учун;

Захира манбаини автоматик улаш, автоматик қайта улаш ва автоматик давр-тезликли ўчиришларнинг ишлаш вақтида энергия етказиб беришдаги танаффуслар учун “Истеъмолчи” олдида моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. “Истеъмолчи” енгилмас куч шароитлари (форс-мажор) мавжуд бўлгандаги ўчишлар ва бошқа ҳолатлар учун, “Корхона” “Истеъмолчи” олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Ушбу шартнома бажарилиши жараёнида юзага келадиган барча низолар ва келишмовчиликлар ўзаро музокаралар йўли билан амалдаги қонун, фармон, қарор, низомлар асосида тартибга солинади. Улар музокаралар йўли билан ҳал этилмаган тақдирда, судда ҳал этилади.

VI. Якуний қоидалар

6.1. Шартнома 20 22 йил 31 декабр гача бўлган муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгартиришлар жорий ойда қўлланилмайди, балки кейинги ойдан кучга киради.

Бюджет ташкилотлари учун : Мазкур келишув тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб Ғазначилик органларида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб кучга киради ва 2021 йил 31 декабргача амал қилади

Шартнома муддати ўтиши билан, агар томонларнинг бирортаси уни муддатини узайтириш ёки бекор қилиш тўғрисида ариза бермаган бўлса, у кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади. Ариза шартноманинг амал қилиш муддати тугашига бир ой қолгунча берилиши керак.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган, томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Шартнома томонларнинг бирини ташаббуси билан муддатидан олдин бекор қилиниши иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин ҳабардор қилган холда, томонларнинг ўзаро ҳисоб-китоб қилганлик шарти билан амалга оширилиши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда тақдим қилинади.

6.4. Барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда бўлган ва томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган бўлса ҳақиқийдир.

## VII. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

**“Истеъмолчи”**:
Юридик манзили Учкудук Т
Почта манзили
Ҳисоб рақами 1000 22 88 709 1000 75 036
Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 200011108
Истеъмолчини юридик манзили бўйича кадастр номери
Махалла номи Учкудук туман Газначилик бўлинмаси
ИНН: 201122849 Р/С: 23402000300100001010

***Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган “Истеъмолчи”лар учун:***
Бюджет фондининг ҳисоб рақами 100022860122487092100075036
Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 200011108
Бюджетдан ташқари фонднинг ҳисоб рақами
Банк коди (МФО) (ИНН)
***Телефонлар:*** ***Факс:***
(“Истеъмолчи” телефон рақамлари, шу жумладан унинг раҳбарини уяли телефони курсатилади)

***Статистик кодлар:***
ОКЭД
СООГУ
СОАТО
КФС
КОПФ
ОКПО

**Корхона:**
Почта манзили Навоий вилояти, Навоий шахри, Низомий кўчаси 22 уй
Ҳисоб рақами
Банк коди (МФО) **00207** **СТИР (ИНН) 200002553**
Телефонлар: Бошкарма--- 224-88-91
Факс: Бошкарма----224-33-51
Статистик кодлар:
ДБИБТ (СООГУ)
МИОБТ (СОАТО) 1712401366

| **Истеъмолчи** | **Корхона** |
|---|---|
| ХТБ | «Навоий ҲЭТК» АЖ бош директори |
| | Б.Исломов |
| | ЭТК бошлиғи М.Абдикаримов |
| М.У | ЭТК хисобчиси. Л.Хушмуродов |
| | М.У |

Ҳуқуқшунос хулосаси:

(имзо) (Ф.И.О)

Электр таъминоти шартномасига
1 – илова

**Етказиб бериладиган энергия ҳажми**

1. **Тариф гуруҳи** II
2. **Фаолият тури** таълим
3. **“Истеъмолчи” электр қурилмаларининг уланган қуввати:** 50 **кВА (кВт)**
   **Техник шарт рақами №** **санаси**
4. **Техник шартларга мувофиқ рухсат этилган қувват** 50 **кВт.**
5. **Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича)** III
6. **Ҳисоб-китоб тури:**
   ***тариф тури: табақалаштирилган , бир ставкали ёки*** 08.11.2017 йилдаги ПП-3379 қарори билан тасдиқланган руйхат бўйича махсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар курсатувчи истеъмолчилар учун тариф (кераклиси ёзилсин) ***(кераклиги ёзилсин)***
7. Истеъмолчи жойлашган махалла ном

| | Энергия ҳажми минг. кВт.с | Шу жумладан, тариф гуруҳлари бўйича | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **Йил, жами** | 124778 | | | | |
| Январь | 38112 | | | | |
| Февраль | 51111 | | | | |
| Март | 35555 | | | | |
| Апрель | | | | | |
| Май | | | | | |
| Июнь | | | | | |
| Июль | | | | | |
| Август | | | | | |
| Сентябрь | | | | | |
| Октябрь | | | | | |
| Ноябрь | | | | | |
| Декабрь | | | | | |

Корхона бир кунда 8 соат, бир ойида 25-26 кун ишлайди.
Сменалар бўйича юклама таксимоти (фоиз хисобида) I 100, II ___, III ___.

**Имзолар:**

| **Истеъмолчи** | **Корхона** |
|---|---|
| | «Навоий ҲЭТК» АЖ бош директори |
| | Б.Исломов |
| | ЭТК бошлиғи М.Абдикаримов |
| М.У | ЭТК хисобчиси. Л.Хушмуродов |
| | ЭТК ЭЭОХ ва ТҚБ муҳандиси Х.Раббимов |

Электр таъминоти шартномасига 2 - илова

**Энергия ҳисоблагичлари ўрнатилган жойлари ва тавсифлари**

| Истеъмолчиларни (субистеъмолчиларни) Ҳисоблагич-лари ўрнатилган жойлар, кучланиш синфи (кВ) ва ҳисобга олиш асбоби тури кўрсатилган холда | Ҳисобга олиш асбоби тури (актив, реактив), (номинал токи) | Ҳисобга олиш асбоби рақами | Ҳисобга олиш асбоби клемма қопқоғидаги, пломбанинг номери | | Ўлчов трансформатор-ларининг трансформация коэффициенти | | Ҳисоб-китоб коэффициенти | Шартнома тузиш санасига ҳисобга олиш асбоби кўрсаткичи | Тариф тури сум/ 1 кВт.с. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Корхона-нинг | ракамй | Ток | Куч ла-ниш | | | |
| | | | | | A | V | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |

**Имзолар:**

**Истеъмолчи**

М.У.

**Корхона**

«Навоий ҲЭТК» АЖ бош директори

Б.Исломов ____________

ЭТК бошлиги М.Абдукаримов ____________

ЭТК хисобчиси. Л.Хушмуродов ____________

ЭТК ЭЭОХ ва ТКБ мухандиси Х.Раббимов ____________

Электр таъминоти шартномасига 3 - илова

**Энергия (актив, реактив) сарфи бўйича**
**ҲИСОБОТ**

20___ йил __________________ ойи бўйича

Кўрсаткичлар қайд этилган сана «___» ___________________ 20 _____ йил.

<table>
<tr><td rowspan="3">Уланманинг номи, ҳисоблагичнинг завод номери, ҳисобга олиш тури (актив, реактив)</td><td colspan="3">Ҳисоб-китоб коэффициенти</td><td colspan="2">Ҳисоблагич кўрсатгичлари</td><td rowspan="3">Ҳисоблагич курсаткич-ларининг фарки</td><td rowspan="3">Сарф кВт.с. кВАр.с.</td><td colspan="5">Табақалаштирилган тариф бўйича сарф кВт.с.</td></tr>
<tr><td rowspan="2">ток трансфор-маторининг (ТТ)</td><td rowspan="2">кучла-ниш транс-форма-торининг (КТ)</td><td rowspan="2">уму-мий</td><td rowspan="2">бошла нгич</td><td rowspan="2">охирг и</td><td>Эрта-лабки макси мум</td><td>Кун</td><td>Кечки макси -мум</td><td colspan="2">Тун</td></tr>
<tr><td>соат 6-9</td><td>соат9-17</td><td>соат 17-22</td><td>соат 22-24</td><td>соат 0-6</td></tr>
<tr><td>1</td><td>2</td><td>3</td><td>4</td><td>5</td><td>6</td><td>7</td><td>8</td><td>9</td><td>10</td><td>11</td><td>12</td><td>13</td></tr>
<tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>Жами</td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
</table>

Изоҳ: гр 7= гр 6- гр 5, табақалаштирилган ҳисоб учун назорат рақами гр 7= гр 9+гр10+гр11+гр12+гр13
гр 8 = гр 7*гр 4

**“Истеъмолчи” раҳбари** **“Корхона” вакили**

___________________________ ___________________________

Ф.И.Ш. Ф.И.Ш.

Бош энергетик

___________________________

Ф. И. Ш.

Электр таъминоти шартномасига 4 - илова

**Томонлар электр тармокларининг баланс мансублиги ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси**

## ДАЛОЛАТНОМАСИ

1. “Истеъмолчи”нинг балансида куйидаги электр курилмалар мавжуд:

**а) хаво линиялари** ______________________________

______________________________

**б) кабель линиялари** ______________________________

______________________________

______________________________

**в) нимстанциялар, трансформатор нимстанциялари**

______________________________

______________________________

2. “Истеъмолчи” ва “Корхона” ўртасидаги электр тармокларнинг баланс бўйича мансублик чегараси:

______________________________

______________________________

______________________________ аникланади.

3. Улардан куйидагиларга:

а) ______________________________

______________________________

______________________________ хизмат кўрсатиш “Истеъмолчи” ходимлари томонидан,

б) ______________________________

“Истеъмолчи” билан тузилган шартнома асосида электр таъминоти корхонаси томонидан амалга оширилади.

4. Электр курилмаларнинг холати ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси куйидагича белгиланди:

______________________________

______________________________

______________________________

**Имзолар:**

| **Истеъмолчи** | **Корхона** |
|---|---|
| ______________ | ЭТК бошлиги М.Абдикаримов ______ |
| ______________ | ЭТК бош мухандиси О.Абдуллаев ______ |
| М.Ў. | ЭСД ва ПНХКРХ Х.Раббимов ______ |
| | ______________ |
| | М.Ў. |

Электр таъминоти шартномасига 5 - илова

**Энергия йўқолишларини аниқлаш бўйича**
**ДАЛОЛАТНОМА**

Энергия ҳисоблагичлар электр тармоғининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда,электр тармоғининг мансублик чегарасидан ҳисоблагич ўрнатилган жойгача бўлган участкадаги ҳисоблаш йўли билан аниқланган энергиянинг технологик (сарфи) йўқолишлари бу:

а) Қуввати ________ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари _____________ кВт.соат ёки _________ фоизини, реактив энергия йўқолишлари _________ кВАр.соат ёки _________ фоизини ташкил этади;

б) »Истеъмолчи"нинг кабель линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги ______________________________________________________________м;

Кесим юзаси ___________________________________________________________ мм$^2$;

Русуми _______________________________________________________________ ;

Кучланиши _________ кВ бўлса, _________кВт.соатни, ёки ________ фоизни ташкил этади;

в) «Истеъмолчи"нинг ҳаво линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги ______________________________________________________________м;

Кесим юзаси ___________________________________________________________ мм$^2$;

Русуми _______________________________________________________________;

Кучланиши _________ кВ бўлса, _________ кВт.соатни, ёки ________ фоизни ташкил этади.

Жами ҳар ойлик энергия йўқолишлари ҳажми ҳисоб-китоб давридаги энергия сарфининг ____ фоизини ташкил этади.

**Вакиллар:**

**Истеъмолчи** **Корхона**

___________________ ЭТК бошлиғи М.Абдикаримов ________

___________________ ЭТК бош муҳандиси О.Абдуллаев ________

М.У. ЭСД ва ШХКРХ Х.Раббимов ________

______________________________

М.У.

Электр таъминоти шартномасига 6 - илова

## Компенсация курилмаларининг ишлаш режими

### 1. Компенсация курилмаларининг ўрнатилган куввати

| Т/р № | Компенсация курилмаларининг турлари | Куввати | Уланиш вакти | | Жами |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | Эрталаб | Кечкурун | |
| 1. | Конденсаторлар, кВАр<br>1000 Вгача<br>1000 Вдан юкори,<br>жумладан: | | | | |
| 1.1. | Автоматик ростлаш билан:<br>1000 Вгача<br>1000 Вдан юкори, | | | | |
| 1.2. | Дастаки ростлаш билан:<br>1000 Вгача<br>1000 Вдан юкори, | | | | |
| 2. | Синхрон двигателлар - (СД), кВт | | | | |
| 3. | СДнинг реактив куввати, кВар<br>(СДнинг ўрнатилган кувватининг 30 фоизи, кВт) | | | | |
| 4. | Жами (1б +3б.) кВАр:<br>1000 Вгача<br>1000 Вдан юкори. | | | | |

## 2. Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори

| Йил, ой | Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори (кВАр.соат) | Шу жумладан | | Шу жумладан тариф гуруҳлари бўйича | | | Қувват коэффиценти кўрсаткичи | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Катта юкламали соатларда 6-00дан 22-00 соатгача (кВАр.с) | Кичик юкламали соатларда 22-00дан 6-00 соатгача (кВАр.с) | | | | Катта юкламали соатларда 6-00 дан 22-00 соатгача $\cos\varphi$ | Кичик юкламали соатларда 22-00 дан 6-00 соатгача $\cos\varphi$ |
| | | | | | | | $\cos\varphi=$ | $\cos\varphi=$ |
| Январь | | | | | | | | |
| Февраль | | | | | | | | |
| Март | | | | | | | | |
| Апрель | | | | | | | | |
| Май | | | | | | | | |
| Июнь | | | | | | | | |
| Июль | | | | | | | | |
| Август | | | | | | | | |
| Сентябрь | | | | | | | | |
| Октябрь | | | | | | | | |
| Ноябрь | | | | | | | | |
| Декабрь | | | | | | | | |

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иқтисодий қиймати, шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланадиган қувват коэффицентининг оптимал миқдори ҳисобга олиниб,ушбу давр учун актив энергиянинг ушбу шартномадаги миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ҳисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иқтисодий қийматининг амалдаги миқдори истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффицентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Устама қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун қуйидаги миқдорда аниқланади:

Актив энергиянинг ҳақиқий истеъмолидан қувват коэффицентининг шартномавий қиймати натижаси бўйича аниқланадиган реактив-энергия реактив-энергия ҳақиқий

иктисодий киймат доирасида истеъмолкилинганда 10%-актив энергиянинг хакикий истеъмолидан ва кувват коэффицентининг шартномавий киймати натижаси буйича аникланадиган реактив энергия реактив энергия иктисодий киймат микдоридан ортик истеъмол килинганда

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси хисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги ҳисобига кувват коэффицентининг норматив киймати истеъмолчилар томнидан кўллаб-кувватланмаслиги аникланганда, корхона томонидан белгиланган тартибда электр энергия йўколиши кийматининг техник иктисодий ҳисоб-китобларини амалга оширади, шунингдек кувват коэффиценти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан расайтирилгани учун истеъмолчилардан кўшимча маблағлар ундиради.

Бунда, бу ҳисоблар ва кўшимча маблагларни ундириш “Истеъмолчи” томонидан кувват коэффицент кўрсаткичларини ҳисобот даврида шартномада кўрсатилган кийматдан пасайтирилгани тўғрисидаги “Ўздавэнергоназорат” инспекциясининг тасдиғи мавжуд бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалари истеъмолчи ягона электр энергетика тизими тармоғида электр тармоғининг катта юкламали соатда реактив энергия ҳосил килганда ва электр тармоғининг кичик юкламали соатларда ягона энергия тизими тармоғидан реактив энергия истеъмол килинганда, агар истеъмолчининг бундай режимда ишлащ зарурати шартномада кўрсатилган бўлса, такдим этилади.

Чегирма кўшилган киймат, солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифининг 15% микдорида белгиланади.

**Истеъмолчи**

М.У.

**Корхона**

«Навоий ҲЭТК» АЖ бош директори

Б.Исломов ______________

ЭТК бошлиғи М.Абдикаримов ______________

ЭТК ЭЭОХ ва ТКБ мухандиси

Х.Раббимов ______________

Электр таъминоти  шартномасига 7 - илова

**Авариявий ва технологик бронни аниқлаш бўйича**

**ДАЛОЛАТНОМА**

Тузилди ______________________________________________________________________

“Истеъмолчи”нинг вакили иштирокида ___________________________________________

Ягона электр энергетикаси тизимида узоқ муддатли ёки қисқа муддатли қувват танқислиги юзага келганда “Истеъмолчи” қуйидагиларни бажариши керак:

1. Ускуна юкламасини технологик бронь даражасигача пасайтириш:

| **Т/р №** | **Технологик бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*** | **Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)** | **Изох** |
|---|---|---|---|
| 1. | | | |
| 2. | | | |
| 3. | | | |
| 4. | | | |

Жами:_____________кВт

*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаш, ёнғин, заҳарланиш ва бошқа бахтсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар ҳам киради (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I  босқич ________________________ кВт

II  босқич ________________________ кВт

III босқич ________________________ кВт

IV босқич ________________________ кВт

2. _____________ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария брони даражасигача узиб қуйилади.

| **Т/р №** | **Авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*** | **Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)** | **Изох** |
|---|---|---|---|
| 1. | | | |
| 2. | | | |
| 3. | | | |
| 4. | | | |

Жами:_____________кВт

* а) Юклама остида ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхташига, иситиш тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар ҳамда қўриқлаш ёритиш тизими қолдирилади.

б) Авария бронига захирадаги ёнғинга қарши насослар ва бошқа ёнғинга қарши агрегатлар тааллуқли эмас. (ушбу агрегатлар, керак бўлишига қараб, олдиндан “Корхона” билан келишилган ҳолда рўйхатга киритилиши мумкин).

Истеъмолчи

______________________

______________________

М.Ў.

**Корхона**

«Навоий ХЭТК» АЖ бош директори

Б.Исломов ______________

ЭТК бошлиғи М.Абдукаримов ________

ЭТК ЭЭОХ ва ТҚБ муҳандиси

Х.Раббимов ______________

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: YR1642001663

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

**№ PX 83118775**

**1.Loyihaning turi**

Shartnoma.

**2. Loyihaning nomi**

Haq evaziga xizmat ko'rsatish (elektr energiya) №59/7

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot**

Uchquduq tuman xalq ta’limi bo’limi. 21.01.2022 yil.

XULOSA

Ushbu “Navoiy xududiy elektr tarmoklari korxonasi” AJ bilan Uchquduq tuman xalq ta’limi bo’limi o'zaro tuzilgan elektr ta’minoti shartnomasi loyihasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 38-bob, 703-708-moddalari talablariga javob beradi, qabul qilinishi ko'zda tutilayotgan mazkur loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Bosh yuriskonsult:** **D.B.Rustamova**